FARG'ONA VILOYATI RISHTON TUMANI HOKIMINING QARORI

2023 - yil 6 - mart 65-11-158-Q/23 Rishton tumani hokimligi

Фарғона вилояти Риштон туманида табиий пичанзорлар ва яйловлардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ва "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги "Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида"ги 290-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қуйидагилар:

Риштон тумани ҳудудида пичан ўриш, табиий пичанзорлар ва яйловларда чорва молларини ўтлатишнинг меъёрлари, муддатлари ва рухсатнома берганлик учун ундириладиган тўлов миқдорлари 1-иловага;

чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотларини ғамлашнинг меъёрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари (Н.Махмудов), Қишлоқ хўжалиги бўлими (М.Махмудов), Қўқон давлат ўрмон хўжалиги Риштон ўрмончилик бўлими (Қ.Қамбарали), Туман экалогия ва атроф мухитни мухофаза қилиш сохасидаги назорат бўйича туман инспекцияси бошлиғи (И.Жўрабойзода) туман ҳокимлиги билан биргаликда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни қонунчилик талаблари асосида амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Ушбу қарор “Риштон ҳақиқати” газетасида расман эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Мустафақулов ва туман ҳокимининг ўринбосари Н.Махмудов зиммаларига юклансин.

Tuman hokimi **С.Солиев**

Rishton tuman hokimining
2023 yil 6 martdagi
65-11-158-Q/23-son qaroriga
1-ilova

Риштон тумани ҳудудида табиий пичанзорлар ва яйловларда чорва молларини ўтлатишнинг меъёрлари, муддатлари ва ўтлатишга рухсатнома берганлик учун ундириладиган тўлов

МИҚДОРЛАРИ

Т/Р	**Чорва мол тури**	**Ўлчов бирлиги** *(бош)*	**Ўтлатишнинг меъёрлари** *(талаб этиладиган майдон, га)*	**Муддати**	**Рухсатнома берилганлиги учун ундириладиган тўлов миқдори** *(базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқиб)* % да
1.	6 ойдан катта қўйлар	бош	1 га	1 йил	0.1 %
2.	6 ойгача бўлган ёш қўзилар	бош	1 га	1 йил	0.1 %
3.	6 ойдан катта эчкилар	бош	1 га	1 йил	0.1 %
4.	6 ойгача бўлган улоқлар	бош	1 га	1 йил	0.1 %
5.	Катта ёшдаги қорамоллар	бош	1 га	1 йил	0.3 %
6.	Икки ёшгача бўлган бузоқлар	бош	1 га	1 йил	0.2 %
7.	Катта ёшдаги отлар	бош	1 га	1 йил	0.3 %
8.	Икки ёшгача бўлган тойлар	бош	1 га	1 йил	0.2 %
9.	Катта ёшдаги эшаклар *(уй ҳайвони)*	бош	1 га	1 йил	0.3 %
10.	Икки ёшгача бўлган хўтиклар *(уй ҳайвони)*	бош	1 га	1 йил	0.2 %

Rishton tuman hokimining
2023 yil 6 martdagi
65-11-158-Q/23-son qaroriga
2-ilova

Чорвачилик эҳтиёжлари учун ёввойи озуқа маҳсулотларини ғамлашнинг меъёрлари

Фойдаланиш муддати	**Пичан ўриш миқдори ҳажмлари** *(кг, тонна, кубаметр)*	**Ажратиладиган майдон, га**	**Рухсатнома берганлик учун ундириладиган тўлов миқдори**
Бир йил (мавсум даврида)	кг	1 га	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 % миқдорида